



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 5 ноябрь, № 226 (8849)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



БИЗНЕСНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ЯНАДА КУЧАЯДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 4 ноябрь куни тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга оид таклифлар тақдими билан танишди.

Мамлакатимизда тадбиркорларга иқтисодийнинг таянчи сифатида қаралиб, бизнес муҳити тобора қулайлаштириб борилмоқда. Маҳалладаги якка тадбиркорликдан тортиб йирик лойиҳаларгача қўллаб-қувватланмоқда. Натижада бизнесга қизиқиш ва ундан манфаатдорлик ошиб бормоқда.

Бунинг бош омили ҳаёт талабидан келиб чиқиб, тадбиркорларнинг ўз таклифлари асосида иш тугилаётганидир.

Анъанадагидек, бу йил ҳам 20 август куни давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан очик мулоқот қилди. Унда айтилган муаммо ва фикрлар асосида тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, текширувларни тартибга солишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Унга кўра 2025 йил 1 январдан бошлаб битта ҳуқуқбузарлик учун битта жавобгарлик чорасини белгилаш назарда тутилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмасдан амалга оширганлик учун молиявий жарима бекор қилинмоқда.

Шунингдек, рақамли маркировкаш қоидаларини ҳамда фискал белгиларни акс эттириш тартибини бузиш, ҳодимлар сонини яшириш учун маъмурий жавобгарлик бекор қилинади.

Низолар ҳал қилинишини енгиллаштириш мақсадида 2025 йил 1 мартдан судда иш юритиш тарафлар келишуви билан тугатилганда давлат божининг бир қисmini қайтариб бериш тартиби жорий этилади.

Тадбиркорлар фаолиятини назорат қилишга ваколатли органлар ва уларнинг назорат соҳалари рўйхати тасдиқланади. Бунда рўйхатда йўқ масалалар бўйича тадбиркорлар фаолиятини текшириш таққилланади. Тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар “Ягона давлат назорати” ахборот тизими орқали хабардор этиш тартибида амалга оширилади.

2025 йил 1 январдан бошлаб, текширувлар “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими доирасида тадбиркорларни 3 та тоифага ажратган ҳолда ўтказилади.

Тақдимотда, шунингдек, тадбиркорлар фаолиятида ноқонуний текширувларнинг олдини олиш, назорат органларининг текширувчи ходимлари малакасини ошириш бўйича ҳам фикрлар билдирилди.

Давлатимиз раҳбари бу чораларни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш, амалиётда адолатли қўлланишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЮТУҚЛАРИ ДУНЁГА НАМУНА

Жаҳон банки 2024 йилдаги иқтисодий ўсишга бағишланган янги ҳисоботни эълон қилди. Унда Европа ва Марказий Осиёдаги 20 мамлакат орасида ялпи ички маҳсулот ўсиши энг юқори бўлиши кутилаётган уч мамлакатдан бири Ўзбекистон деб кўрилди. Жаҳон банки 2024 йили ЯИМ ўсиши Грузияда 7,5 фоиз, Тожикистонда 7,2 фоиз, Ўзбекистонда эса 6 фоизни ташкил этади, деб башорат бермоқда. Банк маълумотларига кўра ўсиш сабаблари маошлар ортгани натижасида хусусий истеъмолнинг кучайгани, давлатнинг аҳолига тўловлари кўпайгани ва инфляциянинг секинлашганидир.

Мушоҳада

Бизни қувонтирадиган ҳолат шундаки, Ўзбекистон 2030 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини белгиланган 160 млрд. доллардан 200 млрд. долларгача кўтариши мумкин. Эътиборлиси, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМни 4000 доллар эмас, 5000 доллардан ҳам кўпроқ микдорга олиб чиқиш имкониятлари туғилмоқда.

Шунингдек, йил якунида Ўзбекистон иқтисодиёти ҳажмини 111 млрд. доллар деб олганда, 2030 йилга бориб 200 млрд. долларлик ЯИМга эга бўлиш учун ЯИМ йилига тахминан 10,3 фоиздан ўсиши керак. Бу Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки каби халқаро ташкилотларнинг яқин йиллар учун энг оптимистик қу-

тилмаларидан ҳам анча юқори кўрсаткич ҳисобланади. Халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг фақат иқтисодий соҳадаги ютуқларини эътироф этиш билан чекланиб қолмапти. Экспертлар фикрича, Ўзбекистонликлар жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси

шиддат билан ўзгариб, ҳаётларида янгича муносабатлар, янги имконият ва қадриятлар шаклланаётганини таналарида кўпроқ ҳис этмоқда. Айниқса, “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари”, “қонун устуворлиги”, “очиклик ва ошкоралик”, “сўз эркинлиги”, “дин ва эътиқод эркинлиги”, “жамоатчи-

лик назорати”, “гендер тенглик”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий қўниқмалар ҳозирги вақтда реал воқеликка айланиб бораётгани эътиборлидир.



Олий Мажлис Сенатида

Миграция соҳасига оид масалалар муҳокамаси



Кеча Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирилик ва идоралар раҳбарларининг миграция соҳасида мавжуд масалаларни комплекс ўрганиш, муаммоларни бартараф этиш ҳамда соҳани янада тартибга солиш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ахборотлари эшитилди.

Мажлисида Ўзбекистоннинг Халқаро миграция ташкилоти билан алоқаларини фаоллаштириш, ривожланган ва етакчи хорижий мамлакатларнинг рекрутинг ташкилотлари ва салоҳиятли иш бериувчилари билан ҳамкорликни жадаллаштириш назарда тутилгани айтиб ўтилди.

Шунингдек, жабранувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, норасмий миграцияга кетаётган фуқаролар сонини кескин камайитириш ва касб-хунарга ўқитиш марказлари фаолиятини тартибга солиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

“Йўл харитаси”нинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишида тизимли муаммо ва камчиликларга йўл қўйилгани ҳам муҳокама марказида бўлди. Хусусан, миграция соҳасида хусусий консалтинг агентликлари ва касб-

хунарга ўқитиш марказлари фаолиятини тартибга солиш учун ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, одам савдосига қарши курашиш ва ноқонуний миграциянинг олдини олиш зарурлиги билан боғлиқ камчиликлар санаб ўтилди.

Мажлисида қайд этилганидек, устувор йўналишларда белгиланган мақсад ҳамда вазифаларни лозим даражада амалга ошириш учун мамлакатимизнинг хорижий ҳамкор давлатлар билан миграция соҳасидаги алоқаларини янада фаоллаштириш зарур.

Яқунда Сенат аъзолари томонидан соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди ҳамда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Семинар

Метеорология хизмати:

МУАММО, ТАҲЛИЛ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Самарқандда Жаҳон метеорология ташкилоти, Жаҳон банки ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар ташаббуси билан Марказий Осиё гидрометеорологиясини модернизация қилиш лойиҳаси — Миллий салоҳиятни баҳолаш (NCAT) натижаларини кўриб чиқиш ва Марказий Осиё гидрометеорология хизматлари учун минтақавий “Йўл харитаси” бўйича II семинар уюштирилмоқда.

Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Финляндия давлатлари ҳамда бир қатор халқаро тузилмалар вакиллари қатнашаётган ушбу тадбирда қайд этилганидек, бугунги кунда дунёдаги иқлим ўзгариши, ҳароратнинг кўтарилиб бориши жараёни бошқа ҳудудларга нисбатан Марказий Осиёда кўзга яққол ташланмоқда. Бу эса метеорология соҳаси олдида кўплаб муҳим вазифаларни қўймоқда. Семинар ана шу вазифалар юзасидан ўзаро тажриба ва фикр алмашиш, келгусида амалга ошириладиган ишлар, “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишда муҳим платформа бўлиб хизмат қилади.

— Кейинги йилларда Марказий Осиёда экологик кўрсаткичлар кескин ўзгариб бормоқда ва давлатлар томонидан шунга мос ҳаракат, дастурлар амалга ошириляпти, — дейди Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлиги директори Шерзодхўжа Ҳабибуллаев. — Семинар эса жараёни мониторинг қилиш, хавфли экологик муаммоларни барвақт аниқлаш масаласида янги имкониятлар яратиб бериши билан аҳамиятлидир. Қолаверса, минтақа давлатлари метеорология хизмати идораларининг дунёнинг бошқа ҳудудларидаги соҳа вакиллари билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳам кўзда тутилган.

Шунингдек, тадбир давомида Миллий салоҳиятни баҳолаш натижалари таҳлил қилиниб, истиқболдаги вазифалар ҳам муҳокама этилди.

«Халқ сўзи».

Факт ва
рақамлар

«БАРКАМОЛ АВЛОД» БОЛАЛАР МАКТАБЛАРИ КЕЛАЖАККА ПИЛЛАПОЯ

Мамлакатимизда замонавий таълим тизимини ривожлантириш, ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғарақларга жалб қилган ҳолда мустақил, креатив фикрлаш, қатъий позицияга эга бўлиш, касб-хунарининг бошланғич сирларини эгаллаш, меҳнат бозорида ўз ўрнини топишига қўмаклашишда “Баркамол авлод” болалар мактаблари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ҳудудларда 219 та “Баркамол авлод” болалар мактаби фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу масканларда ўқувчилар мактабдан бўш вақтларида **79 турдаги** тўғарақларга қамраб олинган.


Айни пайтда жами **10 минг 942 та** тўғаракка **321 минг 390 нафардан** зиёд ўқувчи-ёшлар жалб қилинган.

Мазкур мактабларда **11 минг 967 нафар** (шундан аёллар — **9 858 нафар**, яъни **82,4 фоиз**) педагог ходим фаолият юритиб келмоқда.



Манба: Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги.

ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР



— Ползчилик маҳалладошларимиз фаровон турмушининг асосий омилларидан бири бўлмокда, — дейди фахрий деҳқон Рустам Юшовев. — Бошқача айтганда, у қишлоғимиз ахли фаолиятининг драйвер соҳаси ҳисобланади.

Оқчангал деҳқонлари эндиликда қовуннинг пўночидан ҳам унумли фойдаланишни эплаяпти. Гап шундаки, улар қовунларни бир вақтлардагидек фақат тилим-тилим ҳолда тавовул қилиш унунгина эмас, балки озиқ-овқат, фармацевтика sanoatlари ва қайта ишлаш корхоналарига ҳомашэ сифатида ҳам сотишмокда. Масалан, қовунқоқи тайёрлашдан сўнг ҳамда сифатсиз ёки етилмай қолган қовунлардан ҳосил бўладиган пўноқлар куритилиб, чорва учун емишга айлантририляпти. Қовун уруги эса хорижий ха-



Катта ўзбек тракти деб ном олган йўлнинг Ховос туманидан ўтган қисми четида жойлашган Оқчангал қишлоғи қовунчиликда донг таратган. Шу боис бу манзил ҳақида гап кетганда, унинг қовун бозорлари айтилас бас, шу йўлдан ўтган борки, тезда ҳаёлига келтиради. Эътиборлиси, кейинги йилларда қовунлари туфайли Оқчангал номи хорижга ҳам тарқамокда.

Қовунқоқи келтирган барака

ридорларга сотиляпти. Айтишларича, ундан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда зарур бўладиган ноёб ёғ олишар экан. Шу маънода, қовуннинг ўзи билан бирга ундан тайёрланадиган қовунқоқи экспорти ҳам йил сайин ортиб бораётганини эътироф этиш ўринли, албатта. Билишимизча, қовунқоқи ўзимизнинг озиқ-овқат саноатимизда, хусусан, қандолатчиликда ҳомашэ сифатида ҳам ишлатилмокда.

Йўналиши Мирзачўл воҳасининг жанубий ҳудудлари бўлган “Бекобод шамолли” Оқчангалда ҳам эсади. Уни маҳалла деҳқонлари “Табиий ҳашарчи” деб атайдилар. Негаки, айни шамол туфайли махсус дорларга осиб қўйилган қовун тилимларининг куриб, қоқ ҳолига келиши тезлашади. Дарвоқе, қовунқоқи сархиллигини бироз йўқотган ва сал етилмаган, лекин шираси бор қовунлар этидан тайёрланади. Тилим шаклида кесилган қовун эти пўноқдан айрилади ва сувга ботириб олинган дорга осилади. Яъни сувга ботириб олинса, шираси оқиб кетмайди, ўзида қолади. Аслида ҳам қовунқоқининг суюмли егуликлиги ана шу шираси ва ўзига хос ифоридадир.

Дорга илиб чиқилган тилимлар қуёш тафти яхши бўлса, узоғи билан бир ҳафтада тайёр бўлади, улар ййгиштириб олинган дорлар яна тўлдирилади. Қовунқоқи тайёрлашнинг мазкур бирин-

чи босқичи билан деҳқон борки, барчаси шуғулланади. Сўнгра ҳосил бўлган маҳсулотларини қадоқловчи тадбиркорларга топширади.

Ҳозир Оқчангалда қовунқоқини қадоқлаш 10 дан зиёд тадбиркорлар томонидан бажарилаётир. Деҳқонлардан сотиб олинган маҳсулотларга қадоқловчилар бозорбон ва харидорлар эътиборини тортадиган шакл-шамойил беради, улар чиройли қадоқлаш воситасига ўралади. Эътиборлиси, Ўзбекистонда тайёрлангани ҳақидаги ёрликнинг бир четида маҳалла номи ҳам бор.

— Маҳалламиздаги оилаларнинг 70 фоизи поллиз маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади, — дейди меҳнат фахрийси, “Эл-юрт хўрмати” ордени ва “Шухрат” медали соҳиби Норпошша Фармонова. — Эътиборли жиҳати, деҳқонларимизнинг узоқ йиллик фаолияти асносида қишлоғимизда қовунчилик бўйича халқ селекцияси ва халқона деҳқончилик технологиялари пайдо бўлган. Дейлик, деҳқонларимиз қовун уругини умуман четдан олмайди, имкон қадар ҳар бири келгуси мавсум учун уруглиқни ўзи тайёрлайди. Уруг энг сара қовунлардан олинади. Бунда унинг шаклидан тортиб тўрланишининг мукамаллигигача — ҳар бир жиҳати эътиборга олинади.

Шу кунларда ҳам Ховосдан Жиззаху Зомин томон ёки аксинча йўналишда ўтиб бораётган киши борки, Оқчангалдаги хонадонлар ховлисидаги қовунқоқи илинган дорлар қаторларига қўзи тушади. Бир қарашда улар ишқонларга ўхшайди. Ҳўтимол шу боисдир, кузнинг ўзига хос бу ажиб ва ажойиб манзарасини “Қовунқоқи боғлари” деб атагимиз келди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).



Хаёт йўли текис эмас. Ўқир-чўқирлари, пасту баландликлари баъзан инсон ақлини шошириб қўяди. Қажрамонимиз Комила Жўраева ҳар сафар фарзандларини қандай қийинчиликлар билан вояга етказганини ўйласа, бугунги дорилармон кунлар учун беҳисоб шукрона айтади.

Ишбилармоннинг ёруғ кунлари

Болаликда унинг ҳам орзулари кўп эди. Ҳўтутуви бўлишга ҳаваси бор. Гоҳ ўзини оқ халатли шифокор сифатида тасаввур қиларди. Бироқ хаёт синовлари барчасини ўзгариштириб юборди. Оила, фарзандлар тарбияси, турмуш қийинчиликлари... Ахир етти нафар фарзандни тарбиялаб, оёққа қўйишнинг ўзи бўлмайдик-ку! Маҳаллага моддий ёрдам сўраб бориб, куруқ қўл билан қайтгани, ўз уйи бўлмагани учун ижарада яшагани, пулини вақтида тўлолмагани боис чеккан қийинчиликлари... Чорасизликдан йўл четида қапа тикиб, болалари билан шу ерда яшагани, ҳаммаси кечагидай эсида.

“Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ” деб бежиз айтилмаган. Шундай оғир кунларнинг бирида туман ободонлаштириш бўлими томонидан “Бўлимга қарашли озроқ ташландиқ ер бор, шундан фойдаланасизми?” деган таклиф бўлади. Хуллас, у ташландиқ ерга меҳрини бериб, меҳнат қилди ва асра-секин рўзғорини тиклай бошлади.

Қарангки, ўша пайтда Зарбдор тумани ҳокими бўлиб ишлаган Ойбек Аширматов келиб етти фарзандига бош бўлиб, ҳалол ва заҳматли меҳнати ортидан кун кечираётган Комила Жўраеванинг шароити билан танишади. Ва... “Шу кўзга қафил бўлман, ўн миллион сўм кредит маблағи ажратиб беринглар! Тўлай олмасан, ўрнига ўзим тўлайман!” дейди мутасадди-ларга...

Ана шундан сўнг аёлнинг ҳаётида бурилиш юз берди. Омад бир келса, кетма-кет келар экан. Туман хотин-қизлар бўлими раҳбари эҳтиёжманд, ҳам таъминланган аёллар учун алоҳида уй қуриляётгани, унга ҳам икки хонали уй ажратилишини айтганда ишонмаган эди. Орадан кўп вақт ўтмай уйли ҳам бўлди. Иши ҳам тобора юриша бошлади. Иссиқхона курди, 30 сотих ерни боғ қилди. Бугун боғида меваларнинг сархиллари етиштириляпти. Шафтолининг икки-уч, ўрикнинг етти-саккиз, ол-

манинг ўн беш, узумнинг беш хил тури бор.

Кувонарлиси, фарзандлари нуфузли олий таълим масканларида илм оляпти. Ҳалол меҳнати билан топган маблағига учта машина сотиб олди. Илгарилари ўзи маҳалладан моддий ёрдам сўраган бўлса, энди эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлик қиляпти. Энг муҳими, ўттиз беш кишини доимий иш билан таъминлади.

Комила Жўраева ўтган йили “Йил аёли” танловининг республика босқичида қатнашиб, “Йилнинг энг жонқуяр аёли” номига муносиб кўрилди.

— Буларнинг барчаси мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратиб берилаятган имкониятлар самараси, — дейди у фахр билан. — Мақсадим — халқ фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлиги учун ҳисса қўиш, кўплаб иш ўринлари яратишдан иборат.

Бугунги кунда Комила Жўраева Зарбдор туманининг Нуробод маҳалласида истиқомат қиляди. “Зирапча” МЧЖ раҳбари, 35 нафар доимий ишчиси бор. Иш ҳажми ва мавсумга қараб улар сони уч-тўрт баробаргача ортади. Айни пайтда хонаки гулларнинг 300, очиқ майдонларга экиладиган гулларнинг 200 хилдан зиёди етиштириляпти. Бундан ташқари, омилкор аёл гул, қуқат ва резаворларнинг уругини қадоқлаб, унинг савдосини йўлга қўйган. Иссиқхоналари сонини эса учтага етказди.

Тадбиркор шу билан қаноатланиб қолгани йўқ. Гулчилик, қўчатчиликдан ташқари эндиликда паррандачилик, чорвачилик соҳаларида ҳам ўзини синаб кўрмокда. Келгуси йилдан куруқ меваларни қадоқлаб сотишни йўлга қўймоқчи. 100 миллион сўм кредит асосида яна 5 гектар ер майдони олди.

Демак, тадбиркорлик янада кенгайиб, “Зирапча”нинг ишлари тобора юксалиб бораверади. Шунинг баробарида яна қанчадан-қанча юртдошларимиз рўзғорига барака киради.

Сайд ДАНИШЕВ («Халқ сўзи»).

Факт ва рақамлар

Камбағалликдан — фаровонлик сари

- Бугун юртимизда ҳар бири камида 50 та иш ўрни яратган 9 минг 200 га яқин тадбиркорлар бор.
- Ўтган йиллар давомида маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўм арзон кредит, 7 триллион сўм субсидия берилди.
- Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ривожини, тадбиркорлик инфратузилмасини учун яна 18 триллион сўм йўналтирилди. Маҳаллаларда микролойиҳадан тортиб мегалойиҳагача қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилди.



Салим Яхшиев. — Шунингдек, унинг таркибидаги оксил, ёғ ҳамда турли органик кислоталардан иборат унсурлар ҳам инсон организми учун бебаҳо дармон-дори ҳисобланади. Унинг меъёрдаги истеъмоли ҳар доим инсон организмиде камқонлиқнинг олдин олишда табиий восита сифатида қўлланилган.

Учқора — Нурота тоғ тизмаларининг қунгай этакларида, уч тепалик орасида жойлашган қишлоқ. Маҳаллий аҳоли жой номи шундан, “уч қоя”, “уч қора” шаклидаги ўзгаришларидан пайдо бўлган деб ҳисоблашади. Айтилишича, бу қоялар кун давомида шимган иссиқликни тун бўйи тоқзорларга таратади, муътадил ҳароратдан эса бу ердаги узум хуштаъм бўлармиш.

Учқорада Ўзбекистонда етиштириладиган узум навларининг деярли барчасини учратиш мумкин. Бироқ унинг “тоифи”, “хусайни”, “каттакўрғон мускати” ва “қора кишимиш” каби навлари анча оммалашган. Барчаси ҳам мазали, бироқ ҳеч бири қишлоққа машхурулик олиб келган “қора кишимиш” навининг майизига тенглаша олмайдилар.

Шу маънода, учқораликман деган борки, бу меванинг ши-фобахш хусусиятларини таърифлаб беришдан асло зерик-майди.

— Ушбу майизда қанд мик-дори бошқа навларникига нис-батан бир ярим ҳисса кўп бўла-ди, — дейди туман тиббиёт биро-лашмаси терапевт шифокори

Юртимизда фақатгина ўзига хос ва мос маҳсулотлари билан донг таратган гўшалар талайгина. Айтилай, Самарқанд нони, Қўва анори, Наманган олмаси, Гумбаз тарвузи, Зармитан қатиғи ва ҳўказо. Хатирчининг қафдеккина Учқора қишлоғи ҳам ўз майизи билан машхур.

Учқоранинг майизидан татиб кўрганмисиз?

билан боғлиқ яна бир қатор хасталиклари Учқорада учрат-майсиз.

Мустабид тузумнинг ичкилик-бозликка қарши кураш мавсу-мида тоқзорларга солган чан-галидан Учқора узумзорлари ҳам хийла зарар кўрди. Юзлаб гектарлардаги тоқзорлар йўқ қилиниб, аҳолининг томорқаси-дагина сақлаб қолинди.

— Узумнинг мазкур навидан

Мустақилликдан сўнг аҳолининг томорқалари анчагина кенгай-ди. Қишлоқ ахли эндиликда қан-дай фаровон яшасам экан, деб ўйлаб ҳам ўтирмайди. Боиси у шу қишлоқда туғилиб-ўсаяптими, эсини таниши билан даромад нимада эканини англаб етади — ток экади, кўпайтиради. Ал-батта, бунда истакнинг ўзи ки-фоя эмас. Анчагина тер тўкиш-га тўғри келади. Ҳалол меҳнат

қишки сувни у етмиш икки то-мири билан олади, дейишади ота-боболаримиз. Бошқача айтсак, ток новдалари тупроқ остида, қиш мавсумидаёқ су-вага тўйинади. Натийжада у ве-гета-ция даврида барча ҳосилга бир хил сув етказиб, узумнинг агрегатдан чиққандай бир хил бўлишининг сабаби ҳам шунда.

Майиз тайёрлаш технология-сига келсак, уни учқораликлар қисқагина қилиб, “узасиз”, ёёсиз, тоёбасиз”, дея уч-тўрт жумла билан ифодалаб қўя қолишади. Аслида, бунинг ор-тида технологияни сир тутти-дек, бозор муносабатларининг тамойиллари йўқ. Барчаси од-дий — она табиатнинг ўзи инъом этган шароит ва қўлай-ликлар Учқора майизларининг сифатли бўлишини таъминлай-ди. Қолгани эса фақат ва фа-қат меҳнатга боғлиқ.

— Узумнинг ушбу нави агро-техникасида учқораликлар сув-дан кам ва унумли фойдалани-шади, — дейди соҳибкор Сун-нат Носиров. — Бунинг учун узум кузда қўмилишдан олдин яхшилаб хомток қилинади. Ана шу жараёнда қатъий белгилан-ган кун эмас, табиат тақдир этаятган иқлимга қараб иш туттиш керак. Шунда ток новда-лари хомтокка тайёр бўлиб,

ношуд кишигина шароб тайёр-лаши мумкин, — дейди хатир-чилик Ўзбекистон Республика-сида хизмат кўрсатган журна-лист Исроил Холбоев. — Саба-би ундан тайёрланган майиз шаробга нисбатан уч-тўрт ба-равар кўп даромад беради. Шунга қарамадан “ўрмонга ўт тушган” ўша саксонинчи йил-ларда минг-минглар гектарлик узумзорлар йўқ қилинди. Одам-лар ишсиз қолди, оилалар да-ромад манбаидан айрилди.

Майиз бугун учқораликлар-нинг асосий даромад манбаи, рўзғор бутлиги, дастурхонлар тўқинлиги, қисқача айтганда, элнинг фаровонлиги гарови.

Боғдорчиликда ҳикмат кўп. Албатта, унинг машаққатига, қийинчилиги ва ташвишларига чидаган одам барака топади. Шунга яраша роҳатини ҳам кўради.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

Долзарб мавзу

Бугунги кунда жамиятда ахборот технологиялари шу қадар тараққий этиб бормоқдаки, бу ҳар бир соҳа ривожига хизмат қилиши баробарида, айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқараётир. Қандай муаммо дейсизми?!

Гап мобиль алоқа воситалари, яъни қўл телефонлари, улардан нотўғри фойдаланиш ҳақида бормоқда. Бу ҳақда сўз юритишдан олдин, келинг, айрим таҳлилларга эътибор қаратсак.

Статистик маълумотларга кўра 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда мобиль алоқа билан таъминланган абонентлар сони қарийб 34,2 млн. нафарни ташкил этган бўлиб, шундан, 28,8 млн. нафари аҳолида қайд этилган. Одамларнинг мобиль алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 79 бирликни ташкил этмоқда.

Бу рақамлар бир қарашда ёмон эмас. Тараққиёт жадаллашар экан, бундай воситаларнинг мамлакатимизга кириб келиши ҳам табиий жараён. Шу маънода, гаджетлар ҳаётимизнинг ажралмас қисми, турли вазиятларда “ёрдамчи”га ҳам айланиб улгурди. Керакли маҳсулотни харид қилиш, бирон

инсон билан тез боғланиш, зарур маълумот олиш ёки юбориш — бунинг учун телефондаги бир неча тугмаларни босишнинг ўзи кифоя бўлиб қолди.

Бироқ ҳар нарсанинг меъёри бўлгани каби гаджетлардан фойдаланишда ҳам маълум талаблар бўлиши керак. Зеро, виртуал оламга қаттиқ боғланиб қолиш инсоннинг физиологик ва руҳий саломатлигида жиддий муаммолар юзага келтириб чиқариши мумкин.

Афсуски, кўпчилик бунга бепарволик билан қарайди. Ҳозирги замонда мобиль алоқа воситаларини, ҳатто боғча ёшидаги болаларнинг қўлида ҳам кўриш мумкин. Айрим ота-оналар уй юмушлари билан машғул бўлганда ҳали тили чиқмаган гўдакларга мультфильм ёки видеолар кўйиб беради, бунинг келажақдаги салбий оқибатлари ҳақида эса ўйлаб ҳам кўрмайди...

Хўш, бу борада мутахассислар ва кенг жамоатчилик вакиллари нима дейди?

XXI аср «эпидемияси»:

ГАДЖЕТЛАРГА ҚАРАМЛИК ФОЖИАСИ

Кўзимиз — гавҳар, уни асрайлик

Отабек ИКРОМОВ,
Республика кўз касалликлари клиник
шифохонаси бош шифокори:

— Телефонларнинг инсон саломатлиги учун зарарли томонлари мавжуд. Биринчидан, улар ўзидан хавфли электромагнит тўлқинлар чиқаради. Тўлқинлардан нурланишнинг зарари кичик ёшдаги болалар учун янада кучлироқ бўлиб, бу уларда кейинчалик иммунитетнинг пасайиши, асаб тизимида муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Гаджетлардан узоқ вақт давомида фойдаланишдан азият чекадиган асосий органлардан бири, бу — кўз. Болалар бир дақиқада ўртача 18 — 20 марта мижжа қоқади. Бу кўзларни намлантириб, улар зўриқишининг олдини олади.

Ақсарият ҳолларда гаджетлардан телефон экранига яқин масофадан тикилиб ўйин ўйнайди, видео кўради. Бунда улар мижжа қоқишни унутди ва натижада кўз зўриқишни бошлайди. Бу эса кўз олмасининг ўсиб кетиши, қўриш қобилиятининг пасайиши, узоқни яхши кўра олмаслик (миопия), гилайлик, кўзнинг сурункали ёшланиши ёки қизариши, кўз қўриб қолиш синдроми каби муаммоларга олиб келиши мумкин.

Ота-оналар ва болалар буни дарров пайқашмайдилар. Кўпинча гаджетлардан узоқ вақт давомида фойдаланиш оқибатида келиб чиққан кўз касалликлари болалар мактабга чиқиши, айрим ҳолларда эса ҳатто ўсмирлик даврида, масалан, ҳарбий хизматга жўнашдан олдин тиббий кўрикдан ўттиш жараёнида аниқланади.

Айрим болалар ва ўсмирлар уйқудан олдин, баъзида эса уқумасдан қоронғи хонада телефонга термилиб чиқади. Бу — мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат! Бундай бедор тунлар сурункали тус олса, кейинчалик уйқусизлик, диққатни бир жойга жамлаб олмаслик ва ҳатто қўрқилка олиб келиши мумкин.

Гаджетлар қаршида кўп вақт ўтказиш болада умуртқа поғонаси, бўйин билан боғлиқ турли хасталиклар ривожланиши хавфини ҳам тугдиради.

Тан олиш керак, кўпчилигимиз телефондан ёнбошлаб ётиб фойдаланамиз ёки ўтирганда экранга гавдани ва бўйинни эгиб қараймиз. Натижада сук тизими ривожланиш босқичида бўлган болаларда умуртқа поғонасининг деформацияси, сколиоз, бўйин мушакларининг зўриқиши, спазмлар пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун телефон ёки планшет ишлатганда уни қамда 40 — 50 см. масофада ва кўз баландлигида ушлаш керак.

Телефондан узоқ вақт давомида фойдаланиш боланинг руҳий ҳолати ва ижтимоий мослашишида ҳам муаммоларга олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, болаларнинг ижтимоийлашуви туғилгандан бошлаб то ўсмирлик пайтигача давом этади. Бунда, айниқса, мактабга ва мактаб даври муҳим роль ўйнайди. Сабаби ушбу даврда бола бошқалар билан мулоқот қилишни, жамиятда ўзини қандай тутишни, одоб-ахлоқ нормаларини ўрганади, ақлий ривожланади, унда ижтимоий кўникмалар шаклланади.

Наркоқарамликдан-да кучлироқ

Зебинисо ХАЙРУЛЛАЕВА,
психолог:

— Сизнинг фарзандингиз ёки ўзингиз телефонсиз ўзингизни ёмон ҳис қилиясизми, демак, сиз кенг тарқалган хавфли касаллик қаршида турибсиз. XXI аср эпидемияси, дея таърифланувчи бу касаллик “номофобия” дейилади. Номофобия — (инглизча по mobile phone-phobia) телефонсизликдан қўрқиш. Мобиль телефонсиз ёки ундан узоқда қолишдан қўрқиш (фобия) ҳисобланади.

Яна бир статистика: ҳозирги кунда 5 — 16 ёшдаги болалар кунига 3 соатдан 8 соатгача вақтини телефон қаршида ўтказиши натижа-сида уларда телефонга қарамлик, ундан айрилиб қолишдан қўрқув

хисси пайдо бўлади. Бугун, афсуски, номофобия болалар орасида энг кўп тарқалган психологик касалликлардан бирига айланишга улгурди. Тадқиқотларга кўра гаджетларга бўлган тобеллик даражаси, айниқса, у кичик ёшдан шаклланиб келган бўлса, ҳатто, наркоқарамликдан ҳам кучлироқ бўлиши мумкин экан. Телефондан узоқ вақт давомида бепартиб фойдаланиш инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади.

Гаджетларнинг кичик болалар ва ўсмирлар учун салбий таъсири ҳақида психологик маълумотларни келтиришдан аввал жажжи, мурғак қалбли болажонларимиз психик нуқсонли бўлишини истамасангиз, уларни ҳозирги замон муаммолари-



дан бири — гаджетларга қарамликдан асрашимиз лозим. Янги тадқиқот электрон қурилмалар экрани олдида ўтказилган вақт боланинг руҳий саломатлигига таъсир қилиши борасидаги масалани илгари сурмоқда.

Ҳаётий синов тажрибалари яна шунни кўрсатмоқдаки, айрим оналар бола тарбиясида гаджетлардан мунтазам равишда фойдаланиш оқиба-

тида болаларда психик ривожланиш орқада қолаётгани, ёш даврига хос айрим муҳим бўлган ривожланишдан кечикаётганини кўриш мумкин.

Масалан, қўл моторикаларини, сўз, мантиқни ривожлантирувчи машғулотлар ўрнига болам тинч ўтирса, менга халал бермаса қабилида иш тутиш — кун давомида мурғак жажжи дилбандига соатлаб мультфильм томоша қилиши ёки турли ўйинларни ўйнайти, деб шунчаки болани назоратсиз қолдириш уларнинг келажагига, соғлигига нисбатан эътиборсизликдир.

Яна бир салбий томони шундаки, гаджетлар атроф-муҳитни энди идрок этаётган боланинг тўлақонли ижтимоийлашувида тўсқинлик қилади. Телефон “ичига кириб кетиб”, ташқи дунёдан узилиб қолиш туфайли унда кейинчалик бошқалар билан муносабатда жиддий муаммолар юзага келиши мумкин.

Китобга муҳаббат ҳиссини оширайлик

Маҳбуба ТўРАЕВА,
Жиззах шаҳридаги 29-мактаб ўқитувчиси:

— Эътибор берсак, ҳозирги кунда болалар мобиль телефонларидан, асосан, турли ўйинларни ўйнашда фойдаланмоқда. Айрим ўқувчи-ёшлар телефонга шу қадар берилиб кетадикки, натижада ташқи муҳитда бўлаётган янгилик ва ўзгаришларга эътиборсиз бўлиб қолади. Дарсларда ҳам ҳаёли ўша телефонда эканлиги сезилиб туради. Оқибатда ўқувчи ўтилаётган мавзуларни мукамал ўзлаштириш қийинади, орқада қолиб кетади.

Мактабга ижтимоийлашув, энг аввало, оиладан бошланади. Шунинг учун ушбу даврда ота-оналар фарзандлари билан кўпроқ вақт ўтказиши, бирга турли тўғрақларга бориши, жамоавий ўйинларда қатнашиши, уларда спортга қизиқиш, китоб ўқишга муҳаббат ҳиссини уйғотиши муҳим. Энг асосийси, ота-оналар ўзлари гаджетлардан имкон қадар камроқ фойдаланиб, фарзандларига намуна бўлиши керак.

Аслида, болаларга телефондан фойдаланишни мутлақ тақиқлаш ҳам нотўғри. Чунки уларнинг зарари билан бир қаторда, фойдалар томонлари ҳам кўп, албатта.

Замонавий гаджетлар тақдим эта оладиган имкониятлар болаларга янги билим олишга ёрдам беради, уларга ўқиш жараёнида асқатади. Муҳими, уларнинг саломатлигига путур етиши ва ёт гоёлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш учун болалар телефонлардан қанча вақт ҳамда нима мақсадда фойдаланаётганини мунтазам назорат қилиш зарур.



Кўрқинчли ўйинлар оқибати

Феруза РАХИМОВА,
журналист:



— Икки нафар фарзандим бор. Улар ўз вақтида овқатланиши учун телефонини дастурхон устида берадиган бўлдим. Қарасам, овқатни еб бўлган ҳам мендан телефон сўрай бошлашди, бошида майли деб бердим, бу ҳолат бора-бора телефонсиз туролмайдиган вазиятга олиб келди. Энг ёмони, кўп қаватли уйда турсакда ўғлим кўрқинчли ўйинлар таъсирида у хонадан бу хонага боришга қўрқадиган бўлиб қолди.

Вазият жиддий тус ола бошлагач, бунинг олдини олиш ҳаракатига тушдик. Аввало, телефондаги барча ўйинларни ўчирдим, кейин Wi-Fi'ни узиб қўйдик. Қўл моторикаси яхши шугулланиши учун ўйинчоқ ва леғолар олиб келдим. Очiq ҳавода кўпроқ вақт ўтказиш бошладик. Дастлабки кунлари қўлимда телефон борилигини кўрс, бер деб хархаша қиларди, кейин ўзим ҳам телефонни улардан бекитиб, фақат зарурат бўлгандагина фойдаландим. Хуллас, аста-секин боладаги кўрқув йўқолди, ўзига нисбатан ишончи ортди. Ва асосийси, телефон хархашаси камайди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Фарзандимни телефондан зўрға “чиқариб” олдик



Розия ҲУСАНОВА,
уй бекаси:

— Очигини айтадиган бўлсам, ўз фарзандимни телефондан зўрға ажратиб олганман. Бошида билинмасди. Телефон жанжалини қилса, тинчимни ўйлаб қўлига ўша матоҳни тутқазиб қўяверибман. Аммо кейинроқ вазият жиддийлашиб кетди. Индамасам, қизим кунбўйи бошини телефондан кўтармасди.

Унданам ёмони, қўзлари қизариб, ёшланадиган, кипригини дам-бадам қоқиб, узоқни қўриши сусая бошлади. Буни боғчага олиб бориб-келиш чоғида сезиб қолдим. Унинг хотираси, эшитиши ва қўриши ёмонлашиб, инжиқлашиб, фикрини олижагарни қилдик. Кейин болани бошқа қизқарли ва ақлни чарқлайдиган ўйинларга жалб қилиб, телефондан “чиқариб” олдик. Ҳозир бу масалада назоратни кучайтирганмиз.

Шундан кейин қизимни шифокор кўригига олиб бордим. У мени қойиб, дарҳол даволаниш кераклигини тушунтирди. Кўзига дори ёзиб берди. Муолажаларни қилдик. Кейин болани бошқа қизқарли ва ақлни чарқлайдиган ўйинларга жалб қилиб, телефондан “чиқариб” олдик. Ҳозир бу масалада назоратни кучайтирганмиз.

Адабий кеча

Маърифатпарвар шоир ёди

Кейинги йилларда халқимиз маънавиятини юксалтириш, адабиётимиз гулшанини асраб-авайлаш, айниқса, бой ижодий мероси билан авлодларга ўрнатилган ижодкорлар ҳаёти, асарларини ўрганиш, тарғиб этиш, номларини абадийлаштириш йўлида ҳарли ва улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ардоқли адиб, жадид адабиётининг қалдирғочларидан бири сифатида тилга олинадиган шоир, ҳаттот ва таржимон Сидқий Хондайликий таваллудининг 140 йиллиги муносабати билан ташкил этилаётган тадбири маросимлар, хотира кечалари, адиб ижодини тадқиқ қилиш, илмий жиҳатдан ўрганиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам бунинг ёрқин ифодаси.

Бўстонлик туманида ўтказилган ана шундай тадбирлардан бири “Ватан надир, туққон ерим, турғон ерим!” дея номланди.

Тадбир доирасида шоир туғилиб ўсган қишлоқда Сидқий Хондайликий номидаги халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда пойтахтдан келган бир гуруҳ меҳмонлар — шоир-ёзувчилар, адабиётшунослар, ОАВ ходимлари, шунингдек, маҳаллий аҳоли вакиллари, нурунийлар, ёшлар қатнашди.



— Кутубхонада бадий-адабий, илмий-оммабоп мазмундаги 3 мингдан зиёд китоблар жамланган, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Зоҳиджон Холов. — Бюджет маблағлари ҳисобига ташкил қилинган мажмуи зиб маскани фонди йил давомида боитиб борилади, албатта. Аминимизки, ушбу кутубхона қишлоқда яшовчи аҳоли учун ажойиб туҳфа бўлди, айниқса, ёшлар бу ердан унмולי фойдаланишди.

Шундан сўнг “Чорвоқ” оромгоҳининг катта мажлислар залида адабий-маърифий хотира кечаси ташкил этилди. Тадбирда шоирнинг заҳматли ҳаёти, ҳурлиқни тараннум этган ижоди ҳақида батафсил сўз юритилди.

— Жадид адабиёти ҳақида гап кетганида кўпчилик Беҳбудий, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат каби ижодкорларни санаш билан қифояланади, — дейди адабиётшунос олим Баҳодир Каримов. — Ҳолбуки, Сидқий Хондайликийнинг ижоди ҳам айнан жадид адабиётга тааллуқли. Атоқли адабиётшунос олим Беғали Қосимов унинг ижодини кўп тадқиқ этди. Ишқий, ижтимоий, саёҳатнома шеърлари, таржимонарий таснифлари. Бугун шоир ижодини ўрганишга бўлган иштиёқ ортаётганидан хурсандмиз.

Назму наво руҳида ўтган тадбирда шоир шеърларидан ўқилди. Мумтоз куй ва қўшиқлар даврага ўзгача файз бағишлади.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Пойтахтимизда 21 ноябрь кун «InvestPro Tashkent — 2024» Марказий Осиёда бизнес форуми бўлиб ўтади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилбим 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳриратга келган қўғамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6